ҚИЗИЛҚУМДА ЯНГИ КОМБИНАТ

НАВОИЙ. Қизилқум кенгликларида замонавий корхона иш бошлади. Бу фосфорит комбинатининг биринчи навбатидир. Тошкўра конидан очиқ усулда олинадиган рудани қайта ишлайдиган бу корхона йил охиригача 450 минг тонна фосфорит ишлаб чиқариш имкониятига эга. Келгуси йиллардан бошлаб корхона қуввати ортади. Унинг иккинчи ва учинчи навбатлари жадаллик билан қурилмоқда. Корхона тўлиқ қувват билан иш бошлагач, қимматли хомашёни четдан келтиришга ҳожат қолмайди.

Музаффар ШАРОПОВ

30 НАФАР ТИНГЛОВЧИ 10 ОЙ ЎҚИЙДИ

ФАРҒОНА. ЎзХДП шаҳар кенгаши қошида «Ёш ХДП аъзоси» мактаби ташкил этилган. Тингловчилар 30 ёшгача бўлган, партия сафига киргани бир йил ҳам тўлмаган ёшлардан иборат. 30 кишилик тингловчилар гуруҳи 10 ой мобайнида ЎзХДП фаолияти, унинг дастурий ҳужжатлари, Низоми билан чуқур таниша-дилар. Юртимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат масалалари, иқтисодий-ижтимоий ютуқлар, бозор иқтисодиёти асослари ҳамда Президентимиз нутқларининг мазмун-моҳиятини ўрганадилар.

Алишер ИБОДИНОВ

ЎЗГАРИШЛАР, ХАБАРЛАР

МУКОФОТГА ЯРИМ МИЛЛИОН

ҚАШҚАДАРЁ. Халқ орасида истеъдод соҳиблари бисёр экани Тошкентда ўтказилган умумхалқ «Наврўз» тантаналарида намоён бўлган эди. Яқинда вилоятга хушхабар келди. «Наврўз» хайрия халқаро жамғармаси эълон қилган оилавий дасталар ва бадиий жамоаларнинг байрам дастурлари учун ўтказилган танлов шартларига кўра, вилоят бадиий ҳаваскорларининг чиқиши алоҳида эътироф этилиб, мукофотга 500 минг сўм берилади-ган бўлди.

Дилором БЕКМУРОДОВА

«ШАРҚ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ»

НАМАНГАН. Шаҳарда шу ном билан аталган ёпиқ турдаги хиссадорлик жамияти иш бошлади. Асосан телевизион кўрсатувлар тайёрлаш, юртимиздаги ислоҳотлар боришини ёритиш, ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш ижодий жамоанинг ниятидир.

— Асосий мақсад — жамиятимиз тараққиётига маънавий жиҳатдан арзигулик улуш қўшиш, — дейди ижодий гурух раҳбари Одилжон Имомов.

Мамат МАҲМУД

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 16 июнь, сешанба • № 71 (22.308).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 16 июндан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	52,40	1 Норвегия кронаси	11,68
1 Австрия шиллинги	7,04	1 Польша злотийси	25,57
1 Англия фунт стерлинги	146,05	10 Португалия эскудоси	4,85
10 Бельгия франки	24,00	1 Сингапур доллари	51,16
1 Голландия гульдени	43,92	1 СДР	118,40
10 Греция драхмаси	2,91	1000 Туркия лираси	0,34
1 Дания кронаси	13,00	1 Финляндия маркаси	16,29
1 БАА дирхами	24,37	1 Франция франки	14,77
1 АҚШ доллари	89,50	1 Швеция кронаси	11,17
1 Миср фунти	26,30	1 Швейцария франки	59,68
1 Ирландия фунти	124,76	1 ЭКЮ	97,73
1 Исландия кронаси	1,25	10 Жанубий Корея вони	0,64
10 Испания песети	5,83	10 Япония иенаси	6,16
100 Италия лираси	5,03	1 Россия рубли	14,50
1 Канада доллари	60,96	1 Украина гривнаси	43,49
1 Хитой юани	10,81	1000 Белорусь рубли	2,46
1 Кувайт динори	295,77	1 Латвия лати	149,17
100 Ливан фунти	5,92	1 Литва лити	22,38
1 Малайзия ринггити	22,16	1 Молдова лейи	18,90
1 Германия маркаси	49,51	1 Қирғизистон соми	4,70

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

КЎПЧИЛИК ОВОЗ БИЛАН

Бошқирдистон Президентлигига сайловда республиканинг ҳозирги Президенти Муртазо Раҳимов кўпчилик овоз билан ғалаба қозонди. Бошқирдистон марказий сайлов қўмитасининг дастлабки маълумотларига кўра, сайловчиларнинг 73,2 фоизи уни қўллаб-қувватлаб овоз берган. Раҳимовнинг рақиби, ўрмон хўжалиги вазири Риф Казакулов икки фоиз ҳам овоз ололмади.

ПРЕЗИДЕНТЛИККА ДАЪВОГАР

Қалмоғистон Президенти Кирсан Илюмжинов Россия Президенти лавозимига 2000 йилда бўладиган сайловларда ўз номзодини кўймоқчи эканлигини айтди. Унинг айтишига кўра, ҳозирги пайтда федерал марказ минтақаларга нисбатан қатиққўл сиёсат ўтказмоқда. Ана шу сиёсатни ўзгартириш мақсадида Илюмжинов ўз номзодини Президентликка қўймоқчи.

МОЗОРИ-ШАРИФДАГИ МУЗОКАРА

Эроннинг Афғонистондаги доимий вакили Боружарди куни кеча Мозори-Шариф шаҳрида толибларга қарши коалиция раҳбарларидан бири Аҳмад Шоҳ Масъуд билан учрашиб, музокаралар олиб борди. Боружарди толибларга қарши кучларнинг бошқа раҳбарлари билан ҳам учрашмоқчи. Унинг айтишига кўра, Афғонистонга қўшни мамлакатлар толибон ҳаракати ва унга қарши кучлар ўртасидаги жанглар тўхтатилмаётганлиги туфайли чуқур ташвишга тушмоқда.

Кейинги ойларда Исроил Кобул билан дипломатик муносабатлар ўрнатиш учун ҳаракат қилаётганлиги маълум бўлди. Музокаралар бир вақтнинг ўзида толибончилар билан ҳам, шимолий иттифоқ вакиллари билан ҳам олиб борилмоқда. Июнь ойи бошларида Исроил Душанбе орқали Афғонистон шимолидаги зилзиладан зарар кўрганларга инсонпарварлик ёрдами ортилган самолёт жўнатган эди.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

АМЕРИКА ВАРШАВАГА ЁРДАМ БЕРМОҚЧИ

Польша қуролли кучларини НАТО стандартларига мослаштириш мақсадида Америка Варшавага молиявий ёрдам бермоқчи. АҚШ мудофаа вазири Уильям Коэннинг Польшадаги музокаларида ушбу мавзуга алоҳида эътибор берилди. Польша ҳозирги пайтда бундай ёрдамга муҳтож. АҚШ эса мутахассисларнинг фикрича, Польшага катта миқдорда ёрдам кўрсатмоқчи.

ДЎҚ-ПЎПИСА СИФАТИДАГИ МАШҚЛАР

Бугун Албания билан Македония осмонида — Косово чегарасига яқин жойда НАТО ҳарбий-ҳаво кучларининг машқлари бошланади. Ушбу машқлар Югославия Президенти Милошевичга дўқ-пўписа маъносида ўтказилади. Асосий мақсад, уни Косоводаги албанларга нисбатан куч ишлатишдан воз кечишга мажбур қилиш. Милошевич эса шу бугун Россия Президенти Ельцин билан музокаралар олиб бориш учун Москвага учиб келади. Россия Косоводаги можароларни бартараф этишда хорижликларнинг ҳарбий аралашувига ўта қаршидир.

КЎРИНГ, ҲАВАС ҚИЛИНГ, ЎРГАНИНГ...

Очиғини айтганда, сарлавҳадаги сатрлар оҳанги бадиийлиги қайси намунасига тааллуқлиги хотирдан кўтарилибди. Лекин гап ҳозир унда эмас. Халқ оғзаки ижодининг ўткир топқирлари тили билан айтганда бўғдойда, яъни мазкур сатрнинг мағзида. Ҳақиқатан, кўриш, ҳавас қилиш ва бу билан ҳам чекланмасдан яна ўрганиш қандай яхши. Шундай хислати бор инсон, жамиятнинг иши юришиши ҳам ҳеч гапмас. Бироқ...

Яқингинада тўс-тўполон билан Россия Бош вазирлигига тайинланиб тасдиқланган С. Кириенко бироз муддат бурун Парижга бориб келди. Бизнинг диққатни тортгани унинг ҳукумат бошлиғи сифатида илк бор чет элга ташриф буюргани, парижлик гўзал ойимқизларнинг Россия ҳукуматининг ниҳоятда ёш, «совет» ҳукумати етакчилари ёшига таққосласак ҳали болакай раҳбарига берган баҳолари ва бошқа икир-чикирлар эмас. Бизга қизиғи ва таниши С. Кириенконинг Парижда жамоатчиликка қарата айтганларидан баъзи бирлари, холос. Жумладан, қуйидагиси: «агар Россия бозор ислоҳотлари йўлидан борса... **иқтисод сиёсатдан устун бўлмоғи лозим».** Қандай таниш ибора! Топдингиз, балли сизга, бу Ислом Каримов томонидан етти йил бурун ўртага ташланган ғоя ва Ўзбекистонда ислоҳотларни амалга ошириш бўйича Президентимиз ишлаб чиққан ва мана бир неча йилдирки, ҳаётга татбиқ этилаётган беш тамойилнинг бири. Нафсиламбирини айтганда, бунинг ҳеч бир ёмон томони йўқ. Кимдир кимдандир ўрганади, ахир. Бир юз ўттиз йил давомида биз улардан «ўргандик», аниқроғи, бизга ўргатмоқчи бўлдилар. Ҳа, энди бу ёғига биздан ўрганишса нима қилибди?

Мана ён қўшни, жон қўшнимиз Қозоғистондан бир хушхабар: Н. Назарбоев Фармони билан шу йилнинг май ойидан бошлаб **«Халқ соғлиғи учун»** («За здоровье народа») дастурини амалга ошириш ишларига кўл урилади ган бўлибди. Халқ соғлиғи учун ҳар қанча уринсанг арзийди. Вақти келганда (ким тез-тез, ким ахён-ахёнда) бир одам соғлиғи учун қанчадан-қанча заҳар-заққумни отишга тўғри келишини эслासак (масалан, фалончи акамизнинг соғликлари учун ёки за здоровье Иван Иванича, дегандай), бутун бир халқ соғлиғи тўғрисида қайғуриш нақадар олийжаноблик. Кўшнинг тинч, сен тинч, деганларидек, кўшнинг соғ бўлса, сенга ҳам яхши-да. Лекин шу ерда ҳам қандайдир танишлик бор.

Бу гал ҳам топдингиз: мустақилликнинг дастлабки йилида Ўзбекистонда асос топган ва ҳозирга қадар амалга ошириб келинаётган «Соғлом авлод учун» дастури ғояси қозоқ бовурларимизга ҳам етиб борибди. Кимдир ҳайрон бўлиб, ия, шундоққина кўшни бўла туриб, ҳаммага тушунарли ва фойдали бўлган ғоя наҳот олти-етти йил ўтиб, у ёқларга эндигина етиб борса, дейиши мумкин. Аммо бу ерда ҳеч бир ҳайронликка ўрин йўқ. Зеро, жорий йилнинг май ойига қадар Қозоғистонда шундоқ ҳам ғоялар етарли эди. Масалан, «Евроосиё» ғояси. Буни тарғиб қилиш учун биласизми қанча куч, вақт, маблағ керак. 1994 йилдан бошлаб худди шу ғоя тарғиботи қозоқ бовурларимиздан озмунча ҳаракат талаб қилган дейсизми. Яна «Евроосиё» дегани бирон бир ейдиган, киядиган маҳсулот, ё бўлмаса корхона, газ қувури, ё бўлмаса жамоатчилик ташкилоти бўлса керакки, шунча йиллардан бери Қозоғистон раҳбари оғзидан тушмаяпти, деб ўйламанг. Қандай қилиб тушунтирсак экан. Қисқаси сиёсат — ўйин. Бу нима дегани? Бу, агар иқтисодиётга тишинг ўтмаса мана шунақа, учи ҳам, думи ҳам топилмайдиган, одамларни чалғитадиган гапсўзларга, етиб бўлмайдиган ғояларга зўр бер, дегани. Масалан, мана бунақасига.

Ўтган йилнинг охирларида ҳаммаёқда, айниқса, Қозоғистонда шов-шув бўлиб кетди. Нима эмиш, Н. Назарбоев ўз элига ва келажак авлодларга, 2030 йилга бориб Қозоғистон тараққиётда бошқа давлатларга ибрат бўлади ва Марказий Осиё «қоплони»га айланади, дея ваъда ва янги ғоя берганмиш. Шундан кейин, табиий равишда, мазкур ваъда ва ғоянинг муҳокамаси бошланиб кетди. Биров, Ельциннинг бўйи бор, Акаевнинг қоши бор, Назарбоевнинг ваъдаси бор, дея кўл силтаса, биров «қоплон» сўзининг бу ерда кўчма маънода ишлатилаётганидан бехабар, ўзи нима бўлаяпти, бунақада Марказий Осиё ҳайвонот боғига айланиб кетмайдими, деди. Вой-бў, 2030 йилгача ким бору ким йўқ, дея керишиб қўйганлар ҳам бор. Лекин «2030 йил — қоплон» ғоясига берилган баҳолардан энг зўрлари мана булар бўлди:

Москвалик бир журналист Насриддин Афанди ҳангомаларини эслатиб, 2030 йилгача ё эшак ўлади, ё Бухоро амири, дея хулоса ясади. Бир тарихчи эса, Н. Назарбоевнинг бу қадамига ҳеч бир таажжубланмаслик керак, деб ўз фикрини шундай шарҳлади. Ўз пайтида қилар ишни қилиб қўйиб («октябрь инқилоби»ни назарда тутмоқда), фуқаролар уруши авж олган, очарчилик ҳуруж қилган 1919 йилда Ленин ёшларга қарата, сиз албатта коммунизмда яшайсизлар деб одамларни хом хаёл, қуруқ ваъда билан боққан. Хрушчев ҳам дўппи тор келганда, саксонинчи йилларда, албатта, коммунизм бўлади, дея аравани қуруқ олиб қочгани-чи. Люмпенлар бўлмиш «совет» халқи буларга лаққа тушган. Шу маънода Н. Назарбоев ниҳоятда усталик қилмоқда, яъни люмпенларга мос ғояни ўртага ташлаб, элни чалғитиб вақтдан ютмоқчи, холос. Охири ғоялардан ўзининг ҳам, улусининг ҳам силласи қуридими, ё 2030 йилгача ҳамма эсон-омон етиб борсин, деганми, бу йилдан бошлаб «Халқ соғлиғи учун» ҳаракатни бошлаб юборди.

Хуллас, мана шунақа гаплар, айтилганидек дўппи тор келганида инсон боласи ўзини ҳар қаёққа уриб нажот истайди-да. Бўлмасам, Бошқирдистон Президенти М. Раҳимовдек тажрибали сиёсатчи «Ислоҳотлар ислоҳотлар учун эмас, одамлар учун»лигини энди орадан саккиз йил ўтиб, навбатдаги сайловлар арафасида англармиди. Бундай деяётганимизга сабаб, «Труд» газетасининг 30 май сонида унинг бир суҳбати эълон қилинди. Суҳбатнинг номи шундай: «Ислоҳотларни одамлар учун амалга ошириш лозим, шунчаки ислоҳ учун эмас». Яна қизиғи шундаки, мухбир саволига жавоб бера туриб М. Раҳимов, мен сиёсатга жуда кеч келганман, мен иқтисодчи, реалист ва прагматикман, дейди. Бу сўзлар нафақат кизиқ, балки ниҳоятда таниш. Яшаворинг, яна топдингиз: буларнинг бари Ислом Каримов томонидан тўқсонинчи йиллар бошида айтилган гаплар ва ўша пайтлардан буён амалга ошириб келинаётган сиёсат-ку.

Мазкур мисолларни келтириш орқали биз юқорида тилга олинганларни фикр ва ғоя ўғирлигида айбламоқчи эмасмиз. Эпласа қандини урсин. Лекин Россия Думаси раиси Г. Селезнёвга ўхшаганлар ислоҳотларнинг ўнинчи йили яқинлашаётган бир пайтда «биз аввал устувор йўналишларни аниқлаб олишимиз лозим» дея кўз ёши тўкмасин. Устувор йўналишларни энди аниқлаб бўлармикин. Ҳатто шунга эҳтиёж туғилган тақдирда ҳам бу иш «правдачи», қип-қизил коммунистга қолмагандир, ахир.

Яна бир бор қайтарамиз: бу уларнинг иши. Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатнинг энг асосий жиҳатларига тақлид қилишга бел боғлаган эканлар, майли ўрганаверсинлар. Мустақиллик йилларида эришган ютуқларимизни кўриб ҳавас қилаётган бўлсалар ҳам майли. Кўрсинлар, ҳавас қилсинлар, ўргансинлар. Қаршилигимиз йўқ. Аммо битта маслаҳатимиз бор. У ҳам бўлса, улар шоҳиди бўлиб турган натижалар, энг аввало, Ўзбекистонда бошданоқ Ислом Каримов томонидан ислоҳотлар сиёсатининг тўғри йўлга қўйилгани ва ўтган йиллар давомида ушбу сиёсатни қадам-бақадам амалга ошириб борилганининг маҳсулидир. Шунинг учун ҳам Кириенко, аввало иқтисод, сўнг сиёсат, Назарбоев, халқ соғлиғи учун, М. Раҳимов, ислоҳотлар одамлар учун, Г. Селезнёв, аввал устувор йўналишларни аниқлаш лозим, деганлари билан юртларида ҳаёт бирданига ўзгариб қолмайди. Ҳолва дегани билан оғиз чучимайди, ахир.

Улуғбек САРДОР

СИФАТЛИ УРУҒ – ҲОСИЛ БЎЛУҒ

Очиғини айтиш лозимки, республикамиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда Россиядан келтириладиган картошка миқдори кескин камайган, бунинг устига мамлакатимиздаги хўжаликларда мавжуд уруғлик картошкаларнинг сифати бузилганлиги боис ундан юқори ҳосил олиш мумкин бўлмай қолган эди. Оқибатда 1991-92 йилларда республикамиз бозорларида картошка нархи кўтарилиб кетди. Республика Вазирлар Маҳкамаси ана шу муаммони ҳал этиш мақсадида 1996 йил 30 августда «Ўзкартошка» фирмасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорга кўра, мазкур фирма зиммасига уруғчилик базасини ташкил этиш, навни янгилаш мақсадида ташқаридан ҳар йили 25 минг тонна сифатли уруғлик келтириш, уларни хўжаликларга шартнома асосида тарқатиб, уруғлик ишлаб чиқариш ва шу билан бирга уруғчиликни ривожлантириш орқали республикамизни картошка билан таъминлаш вазифаси юклатилди. Пировардида ушбу фирма ўтган йили ҳукуматимизнинг бевосита ёрдами билан мамлакатимизга хориждан етарли миқдорда сифатли уруғлик картошка келтириб хўжаликларга тарқатди. Уруғлик картошка хўжаликларга тарқатилгандан сўнг, унинг миқдорини тўрт бараварга ошириш имконни яратилди. Хусусан, 1997 йили биргина истеъмол картошкасидан ташқари яна 60 минг тонна уруғлик картошка ажратиб олишга эришилди. Натижада бу йил четдан картошка харид қилиш 25 минг тоннадан 10 минг тоннага қисқарди. Бундан кўриниб турибдики, ҳадемай четдан истеъмолбоп картошка харид қилишга эҳтиёж қолмайди. Сабаби, ўтган йили республикамизда киши бошига 30 килограммдан картошка тўғри келди. Бу 1991 йилга нисбатан 12 килограмм кўпдир.

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗИНИ-ЎЗИ КАРТОШКА БИЛАН ТАЪМИНЛАЙ БОШЛАДИ

Энди экспортга чиқариш имконияти туғилди

Картошка етиштириш йилдан йилга кўпайиб бормоқда. 1996 йилда 513 минг тонна етиштирилган бўлса, 1997 йилда бу кўрсаткич 685 минг тоннани ташкил этди.

Агар бу борада МДҲ давлатларига назар соладиган бўлсак, сўнгги йилларда барча республикаларда картошка етиштириш кескин камайиб кетганлигини кузатиш мумкин. Фирма чет мамлакатлар, хусусан Голландия, Польша ва Белоруссия давлатлари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган. Ушбу давлатдан уруғлик картошка харид қилибгина қолмай, уларнинг картошкачилик бўйича тўплаган тажрибаларини ҳам ўрганиб бормоқда. Мазкур давлатлардан республикамизга келтирилган навлар ичидан 1998 йилда 12 таси давлат реестрига киритилди. Шунингдек, бошқа давлатлар ҳам ўзларида етиштирилаётган картошкани Ўзбекистонда синаб кўриш истагини билдиришмоқда. Улар ҳам шу йилдан бошлаб шартнома тузган хўжаликларга тажриба тариқасида экиб кўришни тавсия этишди. Агар кутилганидек самара олинса, давлат реестрига киритилади. Ва, уни уруғлик картошка сифатида кўпайтириш йўлга қўйилади.

Бундан ташқари картошкачиликни ривожлантириш борасида Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот илмгоҳи, Самарқанд қишлоқ хўжалиги олийгоҳи олимлари ҳам тинимсиз изланишлар олиб бормоқда. Хусусан, бу йил тошкентлик олимлар томонидан яратилган «Ақраб» ва «Тўйимли» навлари учун Паркент туманининг «Бойқозон» жамоа хўжалигида ва самарқандлик олимлар яратаётган навлар учун Жомбой туманининг «Жомбой» хўжалигида кўпайтириш ва тадқиқот ишларини олиб бориш мақсадида ер ажратилди.

Хуллас, бу борада амалга оширилаётган ишлар яқин йиллар ичида ўз самарасини беради. Пировардида республикамиз ўзини-ўзи уруғлик ва истеъмол картошкаси билан тўлиқ таъминлайди ва уни четга экспорт қилиш имконияти ҳам пайдо бўлади.



ГЕКТАРИДАН 257 ЦЕНТНЕРДАН ОЛИНМОҚДА

Паркент тумани мамлакатимизнинг энг баҳаво туманларидан саналади. Тупроғи, иқлими жиҳатидан ҳам бошқа туманлардан кескин фарқ қилади. Шу боис бу ерда қишлоқ хўжалиги экинлари жумладан, картошка етиштириш бирмунча қулай.

— Шунга қарамасдан бундан 5-6 йиллар аввал туманимизда картошка етиштириш кескин камайиб кетганди, — дейди «Бойқозон» ширкатлар уюшмаси раиси Тоҳир Холтоев. — Чунки хўжалигимизга экиладиган картошка навлари эскириб, сифат жиҳатдан бузилган эди. Бунинг устига гектаридан 120-150 центнердан ортиқ ҳосил олиб бўлмасди. Яхшиямки, «Ўзкартошка» фирмасининг ўз вақтида ташкил этилганлиги ишимизни бирмунча жонлантириб юборди. Ўтган йили мавжуд майдонлардан ўртача 200-240 центнердан ҳосил олишга эришилди.

Табиийки, яхши ҳосилдорлик деҳқоннинг кайфиятини кўтаради, манфаатдорлигини оширади. Шу боис ҳозир хўжалигимизда уруғларни саралаш, ерни кечки картошка экишга тайёрлаш ишлари қизғин. Айниқса, бу ишда пудратчи Қобил Ҳусанов ва Баҳтиёр Юсуповлар ўзларига бириктирилган майдонлардан оқилона фойдаланишмоқда.

— Хўжалигимиз қарийб икки йилдан буён «Ўзкартошка» фирмаси билан ҳамкорликда ишлаб келаяпти, — дейди мазкур туманнинг «Гулбоғ» ширкатлар уюшмаси раиси Эркин Рўзиматов. — Шартномага кўра, бу йил ҳам қарийб 200 гектар майдонга сара навлар экилади. Режага кўра ушбу майдонлардан истеъмол картошкасидан ташқари қарийб 3000 тонна сара уруғлик тайёрлаш режалаштирилган.

Дарҳақиқат, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Чунончи, Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги Фозил Йўлдош номли фермер хўжалиги ҳар бир гектар майдондан 257 центнердан ҳосил олишга эришди. Шунингдек, Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туманидаги Амир Темур номли жамоа хўжалиги деҳқонлари ҳам гектаридан 256 центнердан ҳосил олишиб, биргина картошкачиликнинг ўзидан 12 миллион сўм соф фойда кўришди. Наманган вилоятидаги «Олти қаҳрамон» жамоа хўжалиги ҳам ўртача 236 центнердан ҳосил кўтардилар.

Бундан кўриниб турибдики, республикамиз хўжаликларида картошкачиликнинг яхши йўлга қўйилганлиги нафақат хўжаликлар иқтисодиётини тиклашга, балки мамлакатимиз аҳолисининг бундай маҳсулотга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш имконини бермоқда.

Суратларда: «Ўзкартошка» фирмаси билан шартнома асосида иш юритаётган «Бойқозон» ва «Гулбоғ» ширкатлар уюшмасидан лавҳалар.

Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири Шавкат АКРОМОВ олган суратлар

Картошкачилик истиқболлари

КЎҲНА ТОҒНИНГ

1 Шеробод шаҳридан чиқиб, Кўҳитанг тоғининг қуйи тизмалари томон йўл олган одам олтмишинчи чақиримларда бир чорраҳадан чиқади. Йўловчи дўпписини қўлига олиб чорраҳада тўхтаб қолдими, билингки, унинг бу томонларга биринчи юриши, бу узоқ адирликларда шунақа кенг, текис йўллар солинганидан, лекин йўл қурувчи амакилар бу йўлларнинг қайси бири одамни қай томонларга чорлаётганини кўрсатувчи белги қўймаганидан ҳайронлиги ортади...

Ана шунда худди оёқнинг остидан чиққандай бўлиб елкасида йўл-йўл матодан тикилган желак, бошида соябони қиррайган «адидас» шапка, қўлида заранг хивич билан олдига ўттизтача қўй-эчкини солиб чўпон бола пайдо бўлади. Қўлидаги хивичини силкитиб йўл кўрсатади: Кунчиқар тарафдаги қишлоқ — Оқтош. Оқтошдан келган йўлдан тўғри ўтсангиз — Вандоб. Агар чапга бурилсангиз — Хўжаикон туз кони.

Хўжаиконга бурилишингиз билан узоқдан бир қишлоқнинг қораси кўринади. Яқинлашасиз. — «Чорвоқ» деб ёзиб қўйилган. Чорвоқ теп-текис майдонда жойлашгани учунми, қишлоқдаги икки қаватли иморат кўзга яққол ташланиб туради. Бу — Хўжаикон туз кони жамоасининг идораси. Идора ҳовлисидаги мевали дарахтлар ям-яшил. Пол-пол қилиб ўстирилган бедазор кўм-кўк. Қувурлардан сув оқиб турибди. Йўлаклар топ-тоза. Ҳаммадан ҳам кўра бу ерда телефон яхши ишлар экан. Навбатчи йигит жамоа раисининг Тошкентга жўнаб кетганини айтиб, унинг ўринбосари — Равшан Кенжаевни бир зумда телефон билан чақириб берди.

Билсангиз, отини жонидан яхши кўрадиган чавандозлар бўлади. Кенжаев ҳам туз кони ҳақида кўзларини юмиб олиб гапирадиган, ўзининг гапларидан кўнгиллари хуморларга тўлиб-тошадиган одам экан.

— Бу тоғларда бир азиз одамлар яшаб ўтганлар, — дейди Равшан ака. — Алғой ота, Тақирчоқ ота, Қайнар ота, Хўжаи Пок ота, Хўжа Улкан ота... Хўжаи Пок отанинг булоқларидан биласиз, вилоятимизнинг олти-етти тумани ичимлик сув ичиб турибти. Ошқозондаги, буйракдаги чўкмаларни ювиб юборадиган шифобахш сув.

Сиз кўриб турган бу тоғ, бу ерлар Хўжа Улкан отанинг қадамжолари. Ўзлари чўпон бўлганлар. Тоғ ўтларини териб малҳам тайёрлаганлар. Бир ривоятни айтай: Хизр алайҳиссалом у кишига рўбарў келиб, қўлларига бир сиқим туз узатган. Дастурхонларинг илойим тотли бўлсин, деган.

Ана шу синоатдан сўнг шамоллар қўзғалиб, бири бирига туташ икки чўққининг юзасидаги тупроқларни учириб юборади. Туз кўриниб қолади. У кишининг изларидан нишона қолганми деяпсиз? Қабрлари бор. Шу туз чўққиларидан биринг тўшида. Васият қилганларки, қабримни зиёратгоҳга айлантириб қўйманглар деб. Фақат тузни макруҳ этманглар, деган.

Туз конининг заҳирасими? Шу меъёрда (ойига 15 минг тонна туз ишлаб чиқаряпмиз. Шундай (3 минг тоннаси — ош тузи) қазиб олинаверса, тўрт юз йилга етади. Таркибининг тўқсон тўққиз фоизи натрий хлор. Шу жиҳатдан бошқа мамлакатларнинг конларидан ниҳоятда пеш туради. Бугун кеч бўлди. Эртага тоғнинг ўзига борамиз. Эшитган бошқаю, кўрган бошқа...

Ойига 15 минг тонна туз салкам 300 вагон юк. Ўн тонна юк оладиган машина тоғдан қайта ишлаш цехига ташимоғи учун 1500 марта қатнамоғи керак. Қайта ишлаш цехида туз майдаланади. Тозаланади. Сараланади. Идишларга солинади. Сўнг истеъмолчига.

— Техник туз... Нималарга ишлатилади? — деб сўраймиз Равшан акадан.

— Тери ошлашга, буғ қозонларини тозалашга, тўқимачилик саноатида матога гул босишга, лак-бўёқ саноатига, каучук, ўғит ишлаб чиқаришга... Техник туз юз хил корга ярайди.

Бутун жаҳоннинг ишбилармонлари бизни йўқлаб, излаб, топиб бошлаётгани мана шундан. Мақсад аниқ: ҳамкорлик. Шу вақтга қадар Канаданинг Флоранчис Ко ЛТД компанияси билан ҳамкорликда тузни қадоқлаяпмиз. ЮНЕСКО бизга Америкада тайёрланган иккита тузни йодлаш аппаратини армуғон қилди.

— Хўжаикон тузи йодланяптими ўзи, — деб жуда кўпчиликни қизиқтирган саволни алоҳида таъкид билан сўраймиз Кенжаевдан.

— Йодланяпти, — дейди у нима учундир дадилроқ гапиришга ҳаракат қилиб. — Менимча, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигидан сўралган хулосани олишимиз кечикиб турганда ймиди. Йодлаймиз. Йодлаяпмиз ҳам. Бу ишни яхшилаб йўлга қўйиб олмасак бўлмайди ахир.

— Яна бир гап. Тузни истеъмолчиларга, бошқа томонларни билмадиму, ўзимизнинг вилоятимизга ҳоҳи латта халтага солиб, ҳоҳи салофан халтага солиб жўнатасизлар. Халталар ҳоҳи оғзи боғланмаган (тикилмаган) бўлади. Ҳоҳи, тўғриси, йиртиқ бўлади. Бунақа идишларга солинган йодланган тузнинг йоди (Агар у йодланган бўлса) учиб кетади. Туз менимча, ҳаво ўтмайдиган идишга қадоқланиши керак. Калий йодий реактиви...

— Химияни қачон ўқигансиз? — деб гапни ҳазилга бурмоқчи бўлади Кенжаев.

— Лекин, Равшан ака, кўргазмаларда чиройли ёзувлар билан чиройли қоғоз идишларга қадоқланган маҳсулотларингиз кўзга ташланиб қолади. Сифат деган нарса фақат кўргазманинг мулки бўлиб қолмаслиги керак. Бозор хўжакўрсинчиликни кўтармайди. Бозор нархдан ҳам кўра биласиз, сифатни тан олади, афзал билади. Сифат бамисоли темир йўлнинг тепловози. Тепловоз зўр бўлса бас, вагон минг оғир бўлаверсин, тортиб кетаверади.

— Чала йўлда қолдирмай манзилга етказади ҳам, — деб гапимга қўшимча қилади у.

Гапимиз бир жойдан чиқаётгани туртки бўлиб, суҳбат чўғига яна косов урамиз.

— Корхонангизда ишчи-хизматчиларнинг ойлик маоши тўрт ярим минг сўмга тўғри келаётган экан. Бу...

— ... Оз, — деди Равшан ака. — Рентабеллик бизда 56 фоизни ташкил қилади. Даромадимиз жуда салмоқли. Тошдан туз тайёрлаш, цехларда туз чангиб турган ҳавони ютиб ишлаш осон эмас. Ҳисобкитобларни чўтга солиб кўряпмиз. Минг сўмлик акцияларимизга 3230 сўмдан дивиденд ҳисобланди. Бу бошқа кўпгина жамоаларнинг кўрсатгичларидан баланд. Лекин биз бир кўҳна тоғнинг бир хилват чеккасида ишлаётганимиз билан, жаҳон андозаларига бўйлашмоғимиз керак. Бир сўмлик акцияга ўн сўмдан, ўн сўм нима бўпти, эллик сўмдан дивидент тўлашимиз мумкин. Кўряпмиз... Бунчаки суҳбат бўлди, мухбир ака, энди яхши ишлаётган одамларимизнинг, ҳали телевизорларга чиқмаган, газеталарда расми босилмаган одамларимизнинг номларини ҳам ёзиб қўйсангиз: Юсупов Зиё, Назаров Тоғай, Ҳимматов Давлат, Раҳимқулов Тўхта, Умаров Мамаражаб, Норова Ойбўстон, Маматқулов Нормамат... Ахир ҳаммамиз шу одамларнинг қўлидан туз тотиб турибмиз. Дастурхонимизнинг туз-тоти уларнинг меҳнати билан...

Корхона бир меъёрда тўхтамасдан ишлайди. Қишин-ёзин, кеча-кундуз шундай. Кондан туз келтираётган каттакон машиналар узоқдан қарасангиз, чумоли карвонини эслатади. Бир замон поезд «скрипкасини» ингичка пардаларда чалиб қолади.

Туз ортилган вагонлар жойидан қўзғалади.

Осмонда ранги худди Кўҳитанг тоғларининг рангидай оч қўнғир булутлар тарқ-тап-тақир қатқалоқни гўёки портлатмоқчи бўлгандай, осмонга улоқтириб ташламоқчидай бўлиб чиққан момоқаймоқ замбуруғни (замбуруғ — қўзиқориннинг бир тури) топиб олган болакай «топил-топил, менга топил», деб каллапўшини қўлига олиб (топган замбуруғини солиш учун) замбуруғ йиғимтеримига тушиб кетади. Бу ерда ҳамиша гувиллаб эсиб турадиган шамол ҳам бир пас тингандай бўлади.

Ана шундай пайтда эгизак туз тепалиги, тепалик эмас, қўш қоя-туз қояси, ҳов нарироқдаги қоялардан бир қадар паст қоя, пастак кўрингани билан пойига чиқиб борадиган ҳар қандай ўпкаси баланд машинани ҳам ҳансиратиб қўядиган қоя ажиб сеҳру ажиб жозиба билан товланади. Дунёнинг етти хил ранги бу қояларда ўзини эркинроқ, ёрқинроқ намойиш этади. Бир кўп ишни зиммасига олган, бир қадар ҳоригандай кўринган тоғ нурлар қўйнида, нурлар оҳангидан баҳра олаётган кўринади.

Равшан Кенжаев бўлса орқага таралган сочларини икки қўллари билан силаб бир осмону бир тоғларга қараб яна ишлаб чиқаришдан (шу соҳанинг одамида) гап бошлайди: — Ош тузини тўла йодлаш, қўғирчоқдай қилиб қадоқлашни яқин ўртада йўлга қўярмиз. Ҳамма имкониятларимиз бор. Туз ушлаб гапириб турган одамнинг гапи... Рост бўлади, — деди ва кўнглига бир гап инганиданми, тебранган-дай бўлиб, давом қилади: — Туз ҳавзасида одам ўзи ёлғон гапира олмаслиги керак. Туз ҳавзасини зиёрат қиладиган одам ёлғон гапириш машқини (илгари шундай машқи бўлган бўлса-да) шу тоғларда қолдириб кетиб, фақат рост гапирадиган бўлмоғи керак. Чунки туз — ростлик рамзи. Туз тоғи — ростлик тоғи. Бу менинг гапим эмас. Бу Хўжа Улкан ҳазратларидан қолган васият. Дилдан-дилга, тилдан-тилга, замонлардан-замонларга ўтиб келаётган гап.

Туз ўзи иймон тарозусининг тошларидан саналиб келган-да.

Кенжаев бу гапларни кулиб айтди. Эҳтимолки, бу гапларга бизнинг ҳам кулмоғимизни кутиб айтди. Менинг гапларимга ишонасизларми, ишонмайсизларми деган ҳазил аралаш қилиб айтди. Лекин бу гапларни гапирганда ҳеч ким кулмади. Аксинча, бу гапларни эшитиб ҳамма жиддий тортди.

Гўё ҳеч ким Кенжаевга қарамай қўйгандай эди. Чун-

МЕНДА ТАКЛИФ БОР

Яккабоғ туманидаги Тошқўрғон қишлоғи яқинидаги қадимий қишлоқ харобалари Дўконхона деб аталади. Бу ерда ҳарбий иш учун қилич, қалқон, совут, пичоқ каби қуроллар ясалган. Тошқўрғонликлар ясаган пичоқлар улар чўлга кўчиб кетгунча энг бозоргир, энг чиройли совға пичоқлари эди. Яна шу ердаги бир манзил Қалъаи шерои (шерлар қалъаси) деб аталади. Бу ер Амир сарбозлари — шерлар яшаган қалъа жой бўлганлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Ҳисор давлат қўриқхонаси ҳудудида мезазой даврида яшаган динозаврлар излари, шу ердаги Йилқидуми ва Хўкизбурун шаршаралари, баҳайбат сарв ёки шарсимон ва қора арчалар кимларни қизиқтирмайди, дейсиз. Соҳибқирон шу ерларда машқ қилиб, қилич чопиш, чап бериш машқини олган. Бу тилсиз

ХЎЖАИЛҒОР ДЕБ АТАЛСА...

табиат обидалари қандай силсилаларни бошидан кечирмаган. Динозаврларнинг изларини шу ерлик аҳоли афсонавий дулдулнинг (от) излари деб юришар эди. Туманимиз ҳудудида Амир Темур билан боғлиқ жойлар янада чуқурроқ ўрганилса, шу жойлар бўйлаб сайёҳ қатнови йўлга қўйилса, Тотардан (қишлоқ номи) Қизилсув дарёси бўйлаб асфальтланган автомобиль йўли қилиниб, аҳолига Тошқўрғон, Вари, Зармас қишлоқларида яшаши учун шароитлар яратилса, туристлар учун манзиллар, овқатланиш, тўхтаб ўтиш жойлари қурилса...

Агар сиз Карелия Республикасига бориб қолсангиз, ўн уч метр баландликдан тушаётган шаршарани сайёҳларга шундай мақтайдики, тушунтирувчи таржимоннинг гапларини эшитиб лол қоласиз. Ваҳоланки, бизнинг шаршараларимизнинг баландлиги чамаси 100 метрлар келади. Дунёда шундай мамлакатлар борки, аҳолисининг 50 фоизи туристларга хизмат қилиш билан банд ҳамда келаётган туристлар ҳисобидан яшайдилар.

Маълумки, туманимизда икки янги ва собиқ марказ — Яккабоғ шаҳри ва Яккабоғ посёлкаси (қўрғони) бир ном билан юритилади. Эски Яккабоғ номи тарихий ном. Яккабоғ шаҳри эса сунъий равишда аталиб келинади. Яккабоғ шаҳри ўрнида бир вақтлар Чўмич, Шайтон қишлоқ, Қозоқ, Тотар, Жайчи қишлоқлари, кейинчалик Тўртоғайни ва Хўжаилғор қишлоқлари бирлашиб шаҳар ташкил этилди. Шунинг учун туманимиз марказини Хўжаилғор шаҳри, Темир йўл бекатини эса Чўмич деб атасак...

Асқар ҲАЙИТОВ,
Яккабоғ тумани.

МАНФААТДОРЛИК – ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Поп тумани ҳокими, Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати Холмамат ТАЛАБОЕВ билан суҳбат

Холмамат Талабоев 1950 йилда туғилган, ўзбек. 1972 йилда Тошкент қишлоқ хўжалик институтини битирган, ихтисоси агр оном — иқтисодчи. 1980 йилда иқтисод фанлари номзоди, 1998 йилда Жаҳон иқтисодиёти ва бизнес академияси иқтисод фанлар доктори илмий даражаларини олган.

— Холмамат ака, истиқлол айёмининг етти йиллиги арафасида суҳбатни тумандаги иқтисодий ислоҳотлар ва уларнинг самарадорлигидан бошласак.

— Ўзбек адибларидан бири «Озодлик, эркинлик — инсоннинг қалбини, ўзлигини ўзига қайтарувчи муъжизали кучдир», дебди. Дарҳақиқат, юртимизда ўтган етти йилда мисли кўрилмаган ўзгаришлар, таъбир жоиз бўлса, мўъжизалар рўй берди. Буни республикамиз, бинобарин туманимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Туман ҳокимлиги ҳурматли юртбошимиз белгилаб берган тамойилларга қатъий риоя қилиб, ислоҳотлар йўлида дадил бормоқда ва бу ҳаракатларимиз ўзининг ижобий самараларини беряпти. Туманимиз ишлаб чиқариш инфратузилмаси яхши ривожланган бўлиб, йирик агросаноат мажмуидан ташқари 15 та саноат корхонаси, 20 га яқин қурилиш ва транспорт ташкилотларини ўз ичига қамраб олади. Меҳнатга муносабат, унинг пировард натижаларига қизиқиш янги технология ва иш усулларини жорий этишга интилишда жиддий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда.

Туманда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 80 фоиздан ортиғи нодавлат секторга тўғри келяпти. Кейинги йилларда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга эътиборни кучайтирдик. Бугун туманда 227 та кичик ва хусусий корхона, 135 та деҳқон-фермер хўжалиги фаолият кўрсатяпти, 1244 киши якка тартибда иш олиб боришмоқда. Фермерларга 2 минг гектарга яқин ер ажратиб берилган. Яқинда Олий Мажлис сессиясида ер, фермер, деҳқон хўжаликларига оид қабул қилинган қонунлар уларнинг иш кўламини оширишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Иқтисодий манфаатдорлик — ишлаб чиқариш ўсишининг бош мезони. Айниқса, оила миқёсида иш ташкил қилинганда яққол сезилади.

Деҳқончиликда иш асосан оила пудрати асосида ташкил этилмоқда. Айни мана шу усул бу йилги серёғин йилда туманимизга қўл келяпти.

— Поп — қадимий юрт. Тошкент билан водийни боғловчи кўприк. Ва қадимдан Буюк ипак йўли билан қадрли. Айтингчи, бу шарафли номга муносиб бўлиш учун қандай ишларни режалаштиряпсизлар?

—Водийнинг бошланиши, остонаси бўлиш ҳам шарафли, айни вақтда масъулиятли. Чунки, Қамчиқ аталмиш дарвозамиздан ўтиб келганки, меҳмон вилоятга, қолаверса бутун Фарғона водийсига бизнинг қилган ишларимизга қараб баҳо беради. Қамчиқ довонини созлаш ҳукуматимиз бошлаган йирик ишлардан бири. Бугунги кунда довоннинг ҳамма ерида улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Йўлни бехатар қилиш билан бирга унинг бўйида ўнлаб хизмат кўрсатиш масканлари ташкил этиляпти. Йўловчиларнинг дам олиши, автомашиналарга техник хизмат маркази ва шаҳобчалари қурилмоқда. Булар йўлни яқинлаштириш ҳисобига республикага катта иқтисодий фойда келтирса, иккинчидан довон ёқасидаги қишлоқларимиз ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга хизмат қилади.

Туманда яна 15 минг гектардан ортиқ ўзлаштириладиган ер бор. Ҳукуматимиз ва вилоят ҳокимлиги бунга жиддий эътибор беришмоқда. Бугунги кунда Поп машина канали қурилиши жадал олиб бориляпти. Бу қурилишда босқичма-босқич қарийб 20 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилади.

Аҳолини табиий газ, электр қуввати ва ичимлик суви билан таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган дастур изчил амалга оширилади. Олтин конимиз бугунги кунда барқарор ишлаб турибди. Чоркесар тош конида эса Италия асбобускуналари билан жиҳозланган гранит қайта ишлаш цехи қуриш бўйича лойиҳа ишлари ниҳоясига етяпти.

Попнинг жойлашуви шундайки, унда Альп тоғларидаги каби яйловлару, саҳрои кабирдай даштларимиз бор. Бу жойларда ноёб ўсимликлар, турли жониворлар, қушу балиқлар мавжуд. Қолаверса, доривор ўсимликлар етиштирувчи Ибн Сино номли ихтисослашган хўжалигимиз бор. Бу табиий бойликларни асраб-авайлаб, келгуси авлодлар учун сақлаб қолиш ҳар бир инсоннинг муқаддас вазифасидир.

Мен Олий Мажлиснинг айни шу масалалар билан шуғулланувчи қўмитасининг аъзоси сифатида ва туман раҳбари сифатида ҳам бу масалаларга жиддий эътибор бераман. Юқоридаги корхоналар энг сўлим гўшаларда жойлашганлиги туфайли уларнинг фаолияти қаттиқ назорат остида. Ишлаб чиқариш чиқиндилари атроф-муҳитни ифлослантирмаслиги учун барча чораларни кўряпмиз.

— Жамият тараққиётининг етакчи омили — инсон, унинг руҳияти, кайфияти. Маънавияти эса алоҳида бир дунё. Бу соҳалар раҳбарнинг, мутасаддининг диққат-марказида туриши керак. Наманган воқеалари бизга сабоқ-да, тўғримасми?

— Халқи маънавий қашшоқ бўлган юрт ҳеч қачон фаровон бўла олмайди. Наманган воқеалари таъкидланганидек, аччиқ сабоқ бўлди. Менинг назаримда, маълум бир пайтда аҳоли ўртасидаги маънавий, тарбиявий ишларимиз тизимида қандайдир бўшлиққа йўл қўйдик. Бундан фойдаланган айрим дин ниқобидаги ақидапарастлар вилоятдаги вазиятни беқарорлаштиришга, қўрқитиш ва зўравонлик билан давлат идораларига тазйиқ ўтказишга ҳаракат қилдилар, оғир жиноятларни содир этдилар. Уларнинг асл мақсадлари аён бўлгач, халқимиз ҳам муносиб баҳосини бермоқда.

Юксак маънавиятни шакллантириш, одамларни, айниқса, ёшларни халққа, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш бугунги кунда ҳар қандай раҳбарнинг биринчи галдаги вазифасидир. Туман ҳокимлиги 5 мингдан ортиқ зиёлилар эътиборини бугунги кунда ёшлар билан ишлашга, уларни ижтимоий-фойдали фаолиятга йўналтириш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича махсус дастур асосида иш олиб боришга қаратади. Ишончим комилки, бу ўзининг таъсирчан натижасини кўрсатади.

Ҳар бир инсон ким бўлишидан қатъи назар қонунларга ҳурмат билан қараши ва итоат қилиши лозим. Шунда мустақил юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги таъминланади.

Норбобо ШАКАРОВ,
Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари



БАРМОҚЛАР СЕҲРИ

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ЖОН КЕРАКМИ, «КЎКИ»ДАН ЧЎЗ...»

Фарғона вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси маълум қиладики, «Ўзбекистон овози» газетасининг 1998 йил 4 апрель сонида чоп этилган «Жон керакми, «кўки»дан чўз...» сарлавҳали мақола бошқарма томонидан кўриб чиқилди.

Мақолада таъкидланган, Ўзбекистон тумани ижтимоий таъминот бўлимининг собиқ мудири А.Аҳмедов, меҳнат фаолиятини 1968 йилда оддий колхозчиликдан бошлаган. 1974 йилдан 1992 йилгача пахта тозалаш заводида иқтисодчи, вилоят, туман комсомол қўмиталарида инструктор, бўлим мудири, иккинчи котиб, туман матлубот жамиятлари уюшмаси раисининг ўринбосари, маиший хизмат бошқармаси бошлиғи, туман ижроия қўмитасида раис ўринбосари — режалаштириш комиссияси раиси лавозимларида ишлаган. 1992 — 1994 йиллар давлат назорати туман инспекциясини бошқарган.

Ўзбекистон тумани ҳокимининг 1994 йил 14 февралдаги 76-сонли тавсияномасига асосан А. Аҳмедов бошқарма томонидан ижтимоий таъминот бўлимига мудир этиб тайинланган ва бу вазифада 1997 йил 16 июлгача фаолият кўрсатган.

А. Аҳмедов мақолада қайд этилган, яъни ижтимоий таъминот соҳасига тааллуқли бўлмаган жиноий ишда айбланиб, Ўзбекистон тумани халқ судининг ҳукми билан озодликдан маҳрум қилинган.

Ушбу иш ўз вақтида тизимга қарашли барча бўлимлар ва муассасалар жамоалари ўртасида муҳокама этилган ва ҳар бир ходимнинг ўзларига тегишли хулоса чиқариб, ишлаш лозимлиги ҳақида бошқарма томонидан кўрсатма берилган.

А. ЙЎЛДОШЕВ,
Фарғона вилояти ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи.

«Энг улуғ, энг азиз» танловига

НАВҚИРОН ҚЎШИҚЛАРИ

5 ки гўё биз ҳозир эшитган гапларни Кенжаев эмас, сеҳрли Туз тоғининг ўзи ҳикоя қилиб бераётгандай эди. Вақт топиб мен томонга кўпроқ келинглар. Мени кўпроқ тингланглар. Айтадиган гапларим жуда кўп. Мен... хабардорман. Ҳеч бўлмаганда қавмларингга, дўстларингга рост айтишни эсдан чиқарманглар, деяётгандек эди.

* * *

... Бу томонларга, дарвоқе, одамлар кўп юришмайди. Туз савдосини қилувчилар иш билан келишади. Яна бировлар даволанишга келишади. Лекин шунчаки қизиқиб томошага келувчилар .... кам. Вандоб деган қишлоққа одамлар кўп боришади. (Вандоб туз конидан анча узоқ) Вандобда сўлим дачалар бор. Вандобнинг шарқираган сойи, сўлим-сўлим гўшалари бор. Хуллас, Вандобнинг болалари Чорвоқ қишлоғининг болаларига ўхшаб баҳор паллалари замбуруғу чучмомадан кўра кўпроқ, ердан ҳар хил шишаларни териб олишади.

Чорвоққа бўлса шифо излаб келадилар дедик. Чорвоқ қишлоғида шинамгина санаторий бор. 70 ўринлик нафас бўғилиши хасталигидан жабр тортганлар даволанишади бу ерда.

Бу ерда, деганимиз озгина хатолик бўлар. Санаторийда қўнганлар ҳар куни махсус ажратилган машина билан туз тоғига олиб чиқилади. Туз конида бир ғор борки, бу мўъжизани кўрмабсиз-дунёга келмабсиз, дейиш мумкин. Ғорни табиий деб ўйламанг. Саксон тўққизинчи йили ўша пайтлар қисқа қилиб «Ўзбекзолото» деб аталган каттакон жамоанинг ер ости иншоотларини қуриш мутахассислари, ишчилари қуришган.

Ғор эшиги (туйнуги)нинг эни — икки метрча. Йўлак (коридор)нинг эни ҳам шу икки метрдан зиёдроқ. Қўл узатсангиз қўлингиз шифтига теккудай. Шифтларга чиройли қилиб ёғоч қопланган. Йўлакнинг ўзига ҳам ёғочдан пол тўшалган. Шифтга йўлак чеккалари бўйлаб харидан тиргаклар қўйиб чиқилган. Ҳар қанча билағон одам ҳам дастлаб, шифтни, ғор томини шу тиргаклар ушлаб турибди деб ўйлайди. Йўқ, сал диққат билан қарай бошлансаки, бу масканнинг ери ҳам, деворлари ҳам, томи ҳам — туз. Бир тузки, денгизнинг тўлқинларидай ўркач-ўркач. Бошингиз узра гўё осмоннинг тўқ қирмизи баҳори булутлари тушиб келгандай. Ёғочлар шунчаки жиҳоз. Э-ээ, бунча шифт бошга тушиб кетмасмикан-

6 а, деган хаёлга бориб юраги ўйноқловчиларга бир таскин..

Йўлак сезиларли даражада баландликка ўрлайди. Уйининг (ишхонасининг) занапоясини ё томорқасида ўстирилган карамнинг туб сонини санашга одатланган одам табиийки, синчковлигини бу ерга ҳам олиб киради. Йўлак бўйлаб икки юз қадамча йўл босгач, очиқ ҳавога, туз тоғининг қўйнига — бир чўққисига чиқиб қолади. Ва бу ернинг ажиб шабада ўйноқлаб турган ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олади.

Туз тоғида даволаниш жараёни бор-йўғи шуми, деб сўрарсиз...

Бу шунчаки зиёрат.

Ғор йўлагининг икки томони бўйлаб томи янаям баҳайбатроқ харсанг туз-тошлар билан ёпилган хоналар — даволанувчиларнинг тили билан айтганда, «палата»лар бор. «Палата»ларда кароватлар қўйилган. Кароватларда тоза чойшабли кўрпа-тўшак. Стол-стуллар. Ҳарорат қишин-ёзин 18-28 даража иссиқ. Узоқ шўнғиб сувдан чиққанингизда ҳавога очиқиб қолган ўпкангиз биринчи нафас олишида қандай яйрайди! Ғорда ҳам шу — нафас олиш йўллари яйраб кетгандай бўлади. Яйраб кетган шуки, «бронхиал астма», «аллергик ринит» деган балолардан юрагини олдириб қўйган одам бу ерга кирган томоқ ва бурун деган аъзолари борлигини ғўё дарҳол унутиб қўйгандай бўлади. Даволанувчи ғорда ҳар куни уч соат ўтиради. Ё ухлайди. Ҳакимларнинг гапига кўра бу ерда қўшиқ айтиб ўтирса-ку, янаям яхши. Чунки қўшиқ айтаётганда одам томоққа, ўпкага кўпроқ ҳаво оларкан-да. Даволаниш муддати — йигирма кун.

—Бу синоатнинг боисини айтинг, — деймиз санаторийнинг бош ҳакими Халил Раҳмоновга қараб.

— Соф ҳаво деган жой мана шу ғор. Биз ўтирган мана шу палата, — дейди Раҳмонов. — Сатҳи масалан, 45-50 квадрат метр келадиган шу хонада бўлса 15-20 дона (микробни биз одатда доналаб эмас, миллионлаб ўлчаймиз — санаймизку) микроб бордир. Хона ҳавосига кварц нури билан ишлов бериб ҳам микробни бу даражада камайтириш қийин иш.

7 Иккинчидан, туз мисли кўрилмаган даражада ўзидан ион-ҳаракатдаги зарядланган заррачаларни ҳосил қилади. Ионлар томоқ ва бурунда грипп ё шамоллаш асоратидан пайдо бўлган нафасни бўғувчи иллат ўчоғига ўтиб зарарли микробларни супуриб бошлайди. Нафас олиш йўлларининг иммунитет қувватини тиклайди. Ионларнинг бошқа аъзолардаги хасталикларни даволашдаги хусусияти ҳам беқиёс десам, ошириб юборган бўларман. Лекин эффект ёмон бўлмайди.

Бунга ўхшаш муолажа хоналари мамлакатимиз бўйича менимча Зомин туманида ҳамда Тошкент шаҳрида «Семашко»да бор. У ерларда туз кукунлари муолажа хонасига пуркаб чиқилади. Бизнинг шароитда бўлса, мана, кўриб турибсиз. Тоғу-тошдан туз, туздан тош униб ётибди. Туздан томчилар сизиб ётибди.

Шу замон ёш шифокор Ҳайитбой Менглиев деган йигит ғорнинг қайси хасталикларга шифо беришини кўрсатувчи рўйхат қоғозини кўрсатди. Мен айримларини кўчириб олдим:

1. Томоқ йўлининг сурункали яллиғланиши.
2. Бронхиал астма.
3. Полинозлар.
4. Кардионевроз.
5. Ўпка эмфезмаси.
6. Қораоқсоқнинг енгил турлари.
7. Тери касалликлари.

— Сурхондарёдан ҳам кўра бизга бошқа вилоятлардан даволанувчилар кўпроқ келишади, — дейди Ҳайитбой. — Мана Мадалиев Эргашали деган акамизни айтай. Қўқонлик 2-гуруҳ ногирони. Оёқ-қўллари қалтираб қолган экан. Нафас бўғилишининг зўридан-да. Даволанди. Томоғининг йўли самолётнинг трубинасига ўхшаб очилиб кетди. Ишонсангиз-да. Ҳов анави ўспирин боланинг исми — Фаррух. Тошкентдан. Холаси олиб келибди. Астмадан беш йил жабр тортган. Келганига ўн кун бўлди. Энди футбол тепса ҳамки нафаси қайтмайди. Ҳатто хориждан мижозларимиз бор. Хорижликлар Хўжаиконни туз кони деб эмас, шифохона деб тасаввур қилар эканлар.

— Умуман, одам туз истеъмол қилмаса, бу нима асорат беради, — деб сўраймиз Ҳайитбойдан..

— Мен стоматологман, — дейди Ҳайитбой ғўё бу саволингизга менинг дахлим йўқ демоқчидай бўлиб. Сўнг бу имтиҳоннинг саволи эмаслигини англаб кулди. Қошларини чимирганча бармоқларини юмиб секин санаб кетди: туз етишмаса ичаклардаги микроварсинка (сўргичлар) емирила бошлайди. Қон томирлари меъёридан зиёда кенгаяди. Суяк мўртлашади. Кўз хиралаша бошлайди. Безларда...

8 — Хўжаикон ғорининг шифобахшлигини кўрсатувчи илмий изланишлар қилинганми?

— Йўқ. Тайинлироқ бир мақола ҳам ёзилмагандир.

— Ким ёзиши керак мақолани.

Ўртага жимлик қўнади.

—Хориж-пориждан биронта келиб ёзиб бериши керакми мақолани. Ёшсиз-ку. Нимага илмий тадқиқот қилмаяпсиз, Ҳайитбой. Шу, уйда тўртта эчкингиз бўлса, қўшиб қўйинг биронта чўпоннинг сурувига, ўзингиз ишланг.

— Ишламоқчиман, — дейди Ўринбой ютунгандай бўлиб. Туз кристалларининг онкологик хасталикларга таъсирларини ўрганмоқчиман ўзи.

— Ғайрат қилинг.

Ғорнинг яна бир мўъжизаси: йўлакнинг тўрроғида бир булоқ бор. Оғзи ёғоч қопқоқ билан ёпиб қўйилган. Юз литрча сув тўпланиб турибди. Бу сув шу даражадан кўпайиб ҳам кетавермас экан, камайиб ҳам қолмас экан.

Ўринбой бўлса миттигина бу булоқни туз конининг сув омбори деб улуғлар экан. Гапга чечан ишқилиб.

Булоқнинг сувини сўрасангиз, асли у сув эмас. Буни суюқ туз деса маъқулроқ бўлар. Туз, биласиз, нам тортади. Нам дегани қурғур милтиқнинг ўқию қиличнинг дамидан ҳам ўткир. Тошми, метинми — ҳамма нарсага сингиб кетаверади. Мана шу чўнг туз тоғининг қаърига ботмонлаб, ботмон нима бўпти, тонналаб нам сув сингади. Ғор шишинади. Лекин униб кетолмайди. Чўкиб кетолмайди.

Ўзининг кучи ўзига етади. Юраклари сув-сув бўлиб ўзидан томчилар ажратиб бошлайди. Юз метрлик, икки юз метрлик қалин қатламлар бағридан томчи сизади. Томчилар қўшилиб булоқ ҳосил бўлади. Бир булоқки, шифобахшлиги кўзга суртгулик.

—Бу оддий намакоб эмас, — дейди Ўринбой. — Ҳар қандай қуюқ намакоб ҳам бу булоқнинг сувичалик шўр бўлолмайди. Булоқнинг суви билан оғиз чайилса, тишнинг милклари ғўё темир-бетонга айланади. Тиш касалланмайди. Оғизнинг ҳиди йўқолади. Бурнини шу сув билан чайган одам бурун касалликларидан фориғ бўлади. Ёпиқ идишга солиб сақланса, хусусиятини йўқотмайди. Минг хил микроэлементи бор. Бошни ювса (кам миқдорда) ҳатто соч тўкилишини тўхтатар экан.

— Илмий тафаккур қуввати ҳам оширса керак, — деймиз.

— Оширар, — дейди Ўринбой илмоқли гапингизни тушундим дегандай кулиб.

... Яна ғорнинг тўрига — баландга қараб юрамиз. Суқбатни туз тоғининг бирон баландроқ қоясига ёнбошлаб олиб давом қилиш майили туғилади кўнгилда.

Одамнинг бу ерлардан ҳеч кетгиси келмай қолади.

Азим СУЮН,
Олимжон УСАНОВ

Тафсилот

КУН ТАРТИБИДА — АСР ВАБОСИ

Илгари хабар қилганимиздек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг уч кун давом этган махсус сессиясида муҳим масалалар муҳокама қилинди. Аср вабоси бўлмиш гиёҳванд моддаларни ишлаб чиқариш, сотиш билан ноқонуний шуғулланиш ва уни истеъмол қилиш бутун дунёни ташвишга солаётир. Ороллардаги «жаннатмакон» давлатлардан тортиб, юксак даражада саноати ривожланган мамлакатларгача ушбу муаммога рўбарў келаётир.

Сессиянинг диққат марказида алоҳида олинган одамлардан тортиб, бутун бошли мамлакатлар олдида турган муаммолар муҳокама қилинди. Сессияда дастлаб АҚШ Президенти Билл Клинтон сўзга чиқиб, Қўшма Штатлар гиёҳванд моддаларга бўлган талабни камайтириш ва гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятчиликка қарши курашиш учун йилига 17 миллиард доллардан зиёд маблағ сарфланаётганлигини айтди.

Палау элчиси Херси Киото эса «жаннат орол» деб аталадиган унинг мамлакатида иқтисодий ўсиш кузатилаётганини, маориф юксак даражада эканлигини, кўча ҳаракати хавфсизлигини ва жиноятчилик паст эканлигини айтди. Бироқ гиёҳванд моддалар истеъмол қилишнинг кўпайиб бораётганлиги талон-торож, ўғирлик ва жиноятнинг ортишига сабаб бўлади, деди.

Разведка хизматининг маълумотларига кўра, Қўшма Штатларга яширин равишда гиёҳванд моддаларнинг 33 фоизи Кариб денгизи минтақасидаги давлатлар орқали, 15 фоизи эса Испаньола ороллари орқали кириб келмоқда. Бу ҳақда Доминикана Республикаси Президенти Леонель Фернандес Рейна нутқ сўзлади.

Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов эса унинг мамлакатида гиёҳванд моддалар билан савдо қилиш тез оммалашмоқда ва бу жиддий зарар келтираётганлигини айтди. Минтақадаги сиёсий вазият, фуқаролар уруши, Афғонистон билан чегараларнинг очиқлиги ва иқтисодий имкониятларнинг чекланганлиги муносабати билан Марказий Осиё давлатлари ва Россия БМТнинг гиёҳванд моддалар устидан назоратни кучайтириш дастури доирасида жиддий чоралар кўришмаса, у ҳолда Тожикистонда ва ушбу минтақада наркобизнес билан шуғулланувчи халқаро тизимлар қўшилиб, уюшган жиноятчи гуруҳлар янада кучайиши мумкин, деди Раҳмонов.

1991 йилда Тожикистон маъмурлари бор-йўғи 10 килограмм гиёҳванд моддани тортиб олишган эди. 1997 йилда эса бу кўрсаткич 4,5 тоннадан ошди. Шу йилнинг уч ойи ичида бир тоннадан зиёд гиёҳванд модда йўқ қилинди, деди Тожикистон Президенти.

— Бизнинг мамлакатимиз ҳукумати гиёҳванд моддалар билан савдо қилишга қарши 1998 йилдаги халқаро конвенцияга имзо чекди, — деди Зимбабве ички ишлар вазири Д.Дабенгва. — Биз биламизки, гиёҳванд моддалар билан савдо қилувчи картел ва синдикатлар мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тартибни издан чиқариб, унга жиддий хавф солади. Кўкнори мамлакатимиз учун жиддий муаммо туғдиради. Чунки Зимбабведагилар уни кўп истеъмол қилишади. У арзон бўлгани учун ёшлар ҳам, бекорчилар ҳам сотиб олаверади.

Бу борада Уругвай давлат вазири Альберто Скаварелли ҳам ўз фикрини айтди. Ямайка миллий хавфсизлик ва адлия вазири К.Д.Найт гиёҳванд моддалар экиладиган майдонларга бошқа фойдали экинлар жойлаштирилиши зарур деди. Бу деҳқонларнинг ўзини ўзи таъминлашга ёрдам беради.

Хитой давлат маслаҳатчиси Люо Гань мамлакатимиз орқали олиб ўтиладиган гиёҳванд моддалар йўлига чегаранинг ўзидаёқ тўсиқ қўйиш учун қатъий тадбирлар белгиладиқ, деди. Арманистон ташқи ишлар вазири Вартан Осканян, Гватемала вице-президенти Луис Альберто Флорес Астуриас ҳам гиёҳванд моддалар билан боғлиқ муаммоларга тўхталиб ўтдилар.

БМТнинг махсус сессиясида юқори мартабали расмий кишиларнинг чиқишлари ва нутқларини эшитишдан ташқари альтернатив ривожланиш стратегияси, СПИД ва унинг инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, гиёҳванд моддалар савдоси, Бангладеш, Ҳиндистон ва Непалда гиёҳванд моддаларга бўлган талабни камайтириш, жиноятчилар оламининг даромадини қирқиш мавзуларида семинар ва муҳокамалар ўтказилди.

«Интернет» тизими хабарлари асосида тайёрланди.

ХИТОЙГА ТАШРИФ БУЮРАДИ

АҚШ Президенти Билл Клинтон баёнот бериб, бугунги кунда Осиё қитъасида халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш асосий вазифалардан биридир, деди. Унинг икки ҳафтадан сўнг Хитойга буюрадиган расмий ташрифидан кўзланган энг муҳим масалалардан бири ҳам хавфсизликни таъминлашдир. У Вашингтонда нутқ сўзлаб, ўзининг Пекинга ташрифидан кўзлаган мақсадларини баён қилди. Ушбу ташрифга қаршилик қилаётганларга қарата эса бундай деди: Маълумки Хитой биз учун жаҳондаги энг муҳим бозорлардан биридир. Хитой Осиёда, чунончи Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги муносабатларда катта роль ўйнайди. Яқингинада икки мамлакат томонидан ўтказилган ядро синовлари шуни кўрсатмоқдаки, жаҳон жамоатчилиги Ҳиндистон билан Покистон ўртасида ихтилоф чиқишига йўл қўймаслиги зарур экан. Бу ишда Хитойнинг алоҳида ўрни бор, деди Оқ уй раҳбари.

МИСЛИ КЎРИЛМАГАН ҚОТИЛЛИК

Мисли кўрилмаган қотиллик Америка Қўшма Штатларини ларзага солди. Техас штатининг Жаспер шаҳарчасида учта оқ танли йигит 49 ёшли қора танли Жеймс Бёрдни ўласи қилиб савалашди. Кейин уни кичик юк ташувчи машинанинг бамперига боғлаб қўйиб, уч километр масофагача судраб боришди. «Рейтер» ахборот агентлигининг хабарига кўра, полиция Бёрднинг жасадини бир неча кундан сўнг топган. Шубҳа остига олинган уч нафар ёш йигит ҳибсга олинди. Уларнинг ёши каттаси 31да, қолганлари эса 23 ёшда. Бу йигитларнинг ҳаммаси Техасдаги ирқчи гуруҳлардан бирининг аъзоси. Ғергов давомида улар қамоқхонада ўтиришади. Ғарчи, АҚШ жануби ирқчилик асоратидан ҳеч қачон ҳоли бўлмаган бўлса-да, бу даҳшатли ҳодиса бутун Техасни фалажлик ҳолатига солди. Айниқса, бундан қора танли аҳоли кўпроқ ғазабланди. Президент Клинтоннинг айтишига қараганда ушбу иш бўйича энг жиддий тергов ишлари олиб борилади.

ЛОНДОН. БИГ БЕН МИНОРАСИ

ОЗАРБОЙЖОННИНГ РАСМИЙ ТАКЛИФИ

Киев Озарбойжондан Каспий нефтини Европага етказиб бериш йўналишини танлаш бўйича расмий таклиф олди. Украина давлат нефть ва газ қўмитаси раисининг ўринбосари Валерий Шулико ушбу масала Украина Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида кўриб чиқилди, деди. Унинг айтишига кўра Украина Одесса нефть терминали қурилишини ниҳоясига етказиш учун Европа таъмирлаш ва тараққиёт банкидан кредит олиши мумкин. Дастлабки маълумотларга кўра, унинг миқдори 101 миллион долларни ташкил этади. Ҳозиргача бу ишга 20 миллион доллар сарфлаб бўлинди.

ГЕРМАНИЯ. ЛЕЙПЦИГ КЎЧАЛАРИДА

АЙҒОҚЧИ ОСИБ ЎЛДИРИЛДИ

Покистоннинг Панжоб вилоятидаги Саҳивала шаҳридаги марказий қамоқхонада Ҳиндистон фойдасига айғоқчилиги учун судланган киши осиб ўлдирилди. Миллий радионинг хабарига кўра Покистон Президенти Рафиқ Тарар унинг тавбатазаррусини рад этганидан сўнг ҳукм ижро этилди. Айғоқчи Билбир Сингх бундан тўққиз йил аввал қамоққа олиниб, ҳарбий трибунал томонидан ўлим жазосига ҳукм қилинган эди. Ҳукм эса энди ижро этилди.

ТИЛАНЧИЛИККА ҚАРШИ ЧОРА

Кўча-кўйда саёқ юрган кимсаларни йўқотиш мумкинми? Боливиянинг Санта-Круз шаҳридаям тиланчилар кўп топилади. Маҳаллий ҳукумат тиланчиларни камайтириш мақсадида аҳолини полициячилар билан биргаликда курашишга чақирди. Антиқа чора топилди: дуч келган тиланчиларни ҳайдаб солиш керак. Ҳар қандай фуқаро мурувват сўраб қўл чўзган гадойни калтаклашга ҳақли, дейилди.

1994 йилнинг июнида бошланган «чора-тадбир» ўз самарасини берибди. 15000 нафар тиланчилар сони 4500 нафарга пасайди. Тиланчиларнинг ҳам осонликча «жон» бериш нияти йўқ, чамаси. Энди улар ошкора қўл чўзиб эмас, енг ичида «иш кўриш» йўлига ўтишди. Усти-бошлари бинойидек «тиланчи» кутилмаганда қаршингиздан чиқиб: «Сизга бир саволим бор эди», дейди секин, кейин бўлса: «Қўл кўтаришга қодир одам эмассиз, сиз шафқат маъбудасидай беозорсиз, тақсир» деб қўяди. Энди «тақсир»лар ачинибмас, тиланчига «эриб» кетганидан ҳамёнини ковлайдиган бўлиб қолишди.

ПЕТЕРБУРГЛИК РОБИНЗОН

Ҳайкалтарош Олег Бородинни «Петербурглик Робинзон» десаям бўлаверади. Эсингиздадир, Робинзон Крузо кимсасиз оролдан кетиш учун баҳайбат қайиқ ясайди. Аммо сузолмайди. Чунки қайиқ соҳилдан анча йироқда эди-да. Олег Павлович ҳам худди шу йўсинда 30 йил ижод қилди. Ўзининг ҳайкалтарошлик коллекциясини яратди. У ижодига шу қадар берилиб кетардики, ҳатто ҳайкалларининг бўй-басти шифт билан баб-баравар «ўссаям» сезмай қоларди.

Ижодкорнинг каттагина коллекциясидан, афсуски, кўпчилик томошабинлар баҳраманд бўлишолмаяпти. Чунки ҳайкаллар эшикка сиғмайди. Ҳайкалтарош ҳозирча уй-музейи эшикларини бузиш ниятида эмас. Ким билади, энди у яратган ҳайкаллар яна қанча кўча кўрмай тураркин.

Нигора АЗИМОВА тайёрлади

Турфа олам

ЭНГ ҚАДИМИЙ «ҚАНОТ»

Таниқли археолог олим Карл Беллини илмий тадқиқотлари катта шов-шувларга сабаб бўлганди. Доктор Беллининг таъкидлашича: «Қадимий Римда бундан 2000 йил илгариям учувчи аппарат, ҳарбий самолёт бўлган».

Италия қадимий бой маданий ёдгорликларга, бетакрор меъморчилик санъатига эга мамлакат. Бунга ҳеч ким эътироз билдиролмайди, албатта. «Самолётсозлик тарихи» ҳақида бўлса докторнинг фикрига бирор нарса дейиш қийиндир. Чунки, Белини археологик қазилмалар олиб бора туриб, машинанинг паррагига ўхшаш металл синиғига дуч келади. Аниқланишича, бу топилма эрамиздан олдинги биринчи асрнинг охирларига тўғри келаркан. Топилма ҳарбий самолётсоз, мутахассислар томонидан тасдиқланди: «мураккаб механизмнинг бир бўлаги бўлган бу «қанот» ўта мустаҳкам аэродинамик хоссага эга, учувчи ускунанинг қаноти бўлган». Улар шундай хулосага келишди.

Қадимий «қанот»ни Хьюстондаги мутахассислар ҳам текширишга киришишди. Фанга эса бу ҳақда аниқ маълумот маълум эмас. Нима бўлганда ҳам топилма мозийдан сўзлагувчи тилсиз тарих. Балки у Италияда бундан 2000 йил илгари ҳарбий учувчи ускуна — самолёт мавжуд эди, деган қарашларга асос бўлолмас. Муҳими, бу эмас. Қадимий дунёнинг биз билмаган не-не сир-синоати бор. Кўҳна дунё-да.

«БЎТҚА» БЎЁҚ

Баъзан хориждаги кўп нарсаларга ҳавас қиламиз. Чет элда бола тарбияси билан робот шуғулланаркан. Ҳатто итиниям мақтаб қўямиз. Роттейлер хўжасининг ўрнига дўконга бориб келаркан. Эр-хотин «тинчгина» қўйди-чиқди бўлишаркан. Келинлар! Келинлар «озод»миш, қайнонакайнота «муаммоси» йўқмиш. Болалар компьютерни эмас, компьютер болаларни бошқарармиш. Уларнинг фикрлаш қобилиятлари... Эҳ-э, бунақа қиёслашлар беҳисоб.

Компьютер «бошқарган» болалар-чи? Айтайлик, Англияда. Лондонлик баъзи шундай «бошқарилган» ўсмирлар ақиллилик балосига йўлиқишгандек кўринади. Чунки, улар орасида ғалати «Спадинг» ўйини русум бўлиб кетди. Ўйин қоидаси қийин эмас, бир талай картошка бўтқа (spid — картошка) қайласи билан тайёрланади. Тунлари эса қаровсиз қолган автомашиналарга чапланади.

«Спадинг»чиларнинг «ўйин»ми ёки қонунбузарлик? Билмадик. Билганимиз «бўтқа» бўёқ.

Ҳавас яхши нарса. Фақат ҳадеб ўзгага эмас, ўз-ўзимизгаям ғурурланиб қараганимиз маъқулдай. Чунки, тарбиянинг энг соддаси ўзимизда. Боласига гиргиттон она-да.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади

O‘ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak, iymondandur!

O‘zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 16 iyun, seshanba № 71 (22.308).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

ҲАКАМНИНГ ГАПИ ГАП!

FRANCE 98

Жаҳон чемпионати кундан-кўнга авжга минмоқда. Зеро, барча чемпионатлар орасида кўполликларга бой баҳс бўлиб қолиши ҳам кутилмоқда. Маълумки, худди муаллим сингари майдонда учрашувни бошқараётган ҳакамнинг гапи гап бўлади. Албатта, ҳакам холис, адолатли бўлса, ҳар қандай ўйинда адолат бузилмайди, адоват юзага келмайди. Назаримизда бугунгача гуруҳларда ўтказилиши лозим бўлган 48 учрашувдан учдан бири ортда қолиб турган бир пайтда ҳакамларнинг киши билмас баъзи томонларга ён босишаётгани кўзга ташланмоқда. Шунинг учун бўлса керак, ашаддий мухлислар зарда билан: «ҳакамнинг гапи гап-да», дейишмоқда.

Фалон ўйинда фалончи демаймиз-у, бўлган воқеаларни эслайдиган бўлсак, ўйиндан ташқари ҳолатни ҳам, футболчиларнинг бир-бирини уришини ҳам, қанчадан қанча йигитларни замбилга солинаётганини ҳам кўриб кўрмасликка олаётган ҳакамлар ҳақида нима дейиш мумкин? Ахир, икки футболчи юқорилаб келаётган тўпни бош билан зарб қиламан деб, тўп ўрнига бир-бирларига калла қўйишлари ва ўзларини билмай йиқилишлари ҳам ҳакам учун инобатга олинмас экан. Назаримизда телевидениенинг «кўзи» ўткирроқ бўлса керак. Боиси тўпни чизиқдан ташқарига чиққанини ҳам илғайди. Ўртада юрган ҳакам буни қаердан кўрсин? Ўйин эса давом этаверади. «Қаттиққўллик» қилаётган ҳакамлар айрим жамоаларни 10 киши бўлиб ўйнашга мажбур қилиб қўймоқдалар.

Ўтган дам олиш кунлари гуруҳларда ўтказилган учрашувлардан шу нарса аён бўлдики, деярли аксарият жамоалар қандай бўлмасин чемпионатнинг ҳал қилувчи босқичига йўл олиш ниятида экан. Икки қўшни мамлакат: Голландия — Бельгия учрашувида дарвозалар бедахл қолган бўлса-да, «жанг»нинг муросасиз давом этгани ажиб таассурот қолдирди. Ишқибозлар яхши биладиларки, Осиё минтақасидан тўрт жамоа Франциянга йўл олган. Япония, Эрон, Саудия Арабистони, Жанубий Корея. Ана шу жамоаларнинг қандай ўйнашлиги келажакда, айтайлик 2002 йилда ўтказиладиган баҳсларга Осиёдан яна қанча йўлланма ажратилишини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Афсуски, Осиё футбол жамоалари дастлабки ўйиндаёқ имкониятларини бой беришди. Жанубий Корея Мексикадан (1:2) енгилган бўлса, эронликлар Югославия футболчилари билан ўйнаб битта тўп ҳисобида ютқизишди. Японлар эса худди шу ҳисобда Аргентинага имкониятни бой беришди. Саудия Арабистони футболчилари ҳам худди келишилгандек Дания жамоасидан битта тўп ҳисобида мағлубиятга учради. Қолган ўйинларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди. Парагвай — Болгария — 0:0, Франция — ЖАР — 3:0, Испания — Нигерия — 2:3, Ямайка — Хорватия — 1:2.

Ҳайдар НОСИРОВ

ДАРЧАДАН ЭСГАН ШАБАДА

Санъат олами

Яқинда Марказий Осиё маданияти ходимларининг ташаббуси билан халқаро «Турон» сайёр театри ташкил этилди ҳамда театрнинг нишона чиқишлари уюштирилди. Ушбу сафарга раҳбарлик қилган «Турон» халқаро театрининг директори, Каттақўрғон туманидаги Абдулҳамид Мажидий номли драма театрининг бош режиссёри Равшан Ёриевга халқаро театрнинг мақсад ва келгуси режалари хусусида саволлар билан мурожаат қилдик.

— Театрнинг фаолияти, кўзда тутилган режалари ҳақида нима дея оласиз?

— Ушбу халқаро театр, асосан Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Ўзбекистон ҳудудларида фаолият кўрсатади.

Биз қўшни мамлакатдаги ўзбек биродарларимизга ўзимизда амалга оширилаётган маънавий ютуқларимизни етказамиз. Шу ўринда қўшни давлатлар маданий ҳаёти билан таништириб борамиз. Ер юзининг турли бурчакларида яшаётган қардош ва ўз миллатдошларимиз билан ҳам яқиндан алоқа ўрнатиш ниятимиз бор.

— Жойларда нишона чиқишлар уюштирибсизлар. Мухлислар қандай кутиб олишди?

— Тўғриси, мен кутгандан кўра яхшироқ. Биз ижодий гуруҳимиз билан Ургут туманининг Қоратепа қишлоғига борганимизда, халқимизнинг театрга, санъатга, ижодга, айниқса, жамиятдаги ўзгаришларга меҳри, қизиқиши катта эканлигининг гувоҳи бўлдик. Иш услубини одатий тусда эмас, бу гал бошқачароқ, яъни аввал савол-жавоб, сўнгра саҳна асаридан парчалар намойиш этиш билан янгича тарзда бошладик. Савол-жавоблар томошабинларнинг ёши, касби, фикрлашидан келиб чиқилди. Айниқса, кейинги етти йил ичида юртимизда қилинган ишлар, ўзгаришлар ҳақидаги саволимизга мактаб ўқувчилари чуқур ҳаяжон билан жавоб беришга ҳаракат қилишди. Гербимиз, байроғимиз, ҳумо қуши, мадҳиямиз таърифини ёшлар теран англаши, янги-янги маънолар жилосида фикр юритиши бизларни тўлқинлантириб юборди.

— Савол-жавоблардан кейин саҳна асарлари ҳам намойиш этилдими?

— Ҳа, албатта, театр ижодкорлари борса-ю, томоша бўлмайдими. Аввал, савол-жавоблар анчага чўзилди, энди саҳна асари намойиш қилсак, зални ташлаб кетиб қолмасмикин, деган фикрга ҳам бордик. Лекин, янги саҳналаштирилган «Эзгулик ва ёвузлик» асарини томошабинлар зўр қизиқиш билан қарши олишди.

— Халқаро театрнинг келгуси фаолияти ҳақида нима дея оласиз?

— Фалон ишни фалондек қиламан, дейишни ёмон кўраман. Лекин, нишона чиқишимиз эртанги кунга менда ишонч уйғотди.

Фурсатдан фойдаланиб, бизга яқиндан ёрдам кўрсатган Ургут туман ҳокимлигига, ҳокимнинг маданият ишлари бўйича ўринбосари Дилбар Эсоновага ўз ташаккуримни билдирмоқчиман.

Юсуф ХУДОЙҚУЛ суҳбатлашди.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, навбатчи Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 27.543 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ.
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 080

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ҚАЛДИРҒОЧИМ, ЕТКАЗ МЕНИНГ САЛОМИМНИ

Шеър ва шуур

Қишлоқдошларимга

Чиялимнинг чўпонига, чўлиғига,
Кенжаси-ю, ўртаяшар, улуғига,
Даладаги ғаллаларнинг бўлиғига,
Аннаруži, Ғаллакори, Сулуғига,
Қалдирғочим, етказ менинг саломимни.

Чиялимнинг қумга тўлган сойларига,
Камбағали ҳамда оз-моз «бой»ларига.
Меҳмон кутган сахий-ҳотамтойларига,
Эсдан чиққан бошқа ҳамма жойларига,
Қалдирғочим, етказ менинг саломимни.

Чиялимнинг донғи кетган бозорига,
Харидору савдогарлар гузарига.
Бир кирсанг дил чигилини ёзарига,
Тижорати, ким ошди, ким ўзарига,
Қалдирғочим, етказ менинг саломимни.

Кўзин тикиб букри йўллар-кўчаларга,
Соғинчини ичга ютган чечаларга.
Келинчаклар юзи-ширмой кулчаларга,
Лобар қизлар — очилмаган ғунчаларга,
Қалдирғочим, етказ менинг саломимни.

Қишлоғимда бирга ўсган жўраларга,
Эшмаматга, Норқизилга, Тўраларга,
Қўй-қўзисиз нураб ётган қўраларга,
Уй ўрнида битган янтоқ-шўроларга,
Қалдирғочим, етказ менинг саломимни.

Қучоғинга бир кун қайтиб келади де,
Нураб ётган уйин тикка қилади де,
Қўраси ҳам қўй-қўзига тўлади де,
Бахтиёрни Чиялисиз ўлади де,
Қалдирғочим, етказ менинг саломимни.

Тўнғич муҳаббатим, тенгсиз бокирам,
Мағрур телбагинам, масрур оқилам,
Қаро қисматимдан ёрқин хотирам,
Айт қачон келасан, қачон келасан?

Минг йилки, кутаман сени дилташна,
Минг йилки, кутаман илҳақ, дил интиқ.
Кутаман қўлимга ишқдан гул ушлаб
Ва олмос нурлардан ясаб чимилдиқ.

Нигоҳим қуш мисол учар сен томон,
Хаёлим булутдек кўчар сен томон,
Ёлғизлик қурсин-а, ёлғизлик ёмон,
Айт қачон келасан, қачон келасан?

Сен нега меҳрингни тутасан дариғ,
Нега қаҳрингни ҳам кўрмайсан раво.
Кетишинг — кўксимга санчилган оғриқ,
Ташрифинг — умидсиз дардга ҳам даво.

Мен сени кутаман олов, ўт бўлиб,
Гоҳо вафодор ит, гоҳо хит бўлиб,
Келар йўлларингга кўзим тўрт бўлиб,
Айт қачон келасан, қачон келасан?

Сен менга ваъдани бергандинг қишда,
Не қишлар тугади, эриди не қор.
Келсанг, ташрифингни гуллар олқишлаб,
Ҳатто кеч кузакда яшнарди баҳор.
Айт қачон келасан, қачон...

О, нечук хастаҳол инграйсан бот-бот,
Не этсам, кўнглингни олгум эй кўнглим?
Ўзга бир оламни этолмай бунёд,
Синдингми чил-чил?

Не боис вужудинг тилкаю-пора.
Ва рўйинг хазондек сарғайган дафтар?
Ҳолбуки, жонимга кирмабди аро,
Чархи кажрафтор.

Ва лекин тегрангда толе парвона,
Кафтингга тутқазмиш гўзал ғунчани.
Не бўпти боқмаса сенга жонона.
Шунга шунчами?

Ул ғунча атридин тўйиб этсанг нўш,
Тизингни қучолмай зорланса терак.
Боз дунё устидин кулиб кетсанг, хуш
Тағин не керак,
Яна не керак?

Ҳажрлар ўтинда гарчанд куйди дил,
Лек асл севгидин сарпо кийди дил.
Дунёда яккаю ёлғиз Ўзини,
Суймоғи шарт эди. Суйди дил.

Ул Зотнинг дийдори зўр қўшиқ ўлгач,
Наинки, зўр қўшиқ манзур ишқ ўлгач,
Бир севиб ўлмоқдин ўзга не армон,
Ки меҳри олдинда ишқ беишқ ўлгач?!

Бахтиёр ЖУМАН

ШАВКАТ РАҲМОН ХОТИРАСИГА

Шавкат Раҳмон шаънига бугун,
Айтилмоқда кўп илиқ гаплар.
Унинг ноёб истеъдодини,
Тан олмоқда дўсту аҳбоблар.

Бу гапларнинг йўқ асло лофи,
Шоир эди беназир, мумтоз,
Лек бу гаплар у тиригида,
Айтилганда бўларди, хўб соз.

Балки шунда шоирнинг умри,
Беш-ўн йилга узаярмиди?
Бедаво дард туфайли чеккан,
Азоблари озаярмиди?

Буюк зотлар ўтса дунёдан,
Билинади ўрни дафъатан.
Ҳаёт пайти аммо уларнинг,
Буюклигин кўп олмаймиз тан.

Ўтиб кетгач улар оламдан,
Тушунамиз ким-кимлигини.
Ва кечикиб англаймиз жуда,
Биз уларнинг буюклигини.

Абдураҳмон ҚОДИРИЙ

ДАМИРНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ

Намангандаги ўзбек-турк лицейининг 10-синф ўқувчиси Дамир Шамсиддинов яқинда Истанбулда бўлиб ўтган навбатдаги халқаро экология олимпиадасида иштирок этган эди.

Олимпиада иштирокчиларининг 40 дан ортиқ илмий-амалий лойиҳаси орасида Дамирнинг сувни булғатувчи моддалардан тозалаш муаммосига бағишланган иши энг яхши деб топилгани ҳақида хабар келди. Лицей ўқувчисига биринчи даражали диплом ва олтин медаль берилди.

Шуни айтиш кифояки, унда 25 давлатдан ёш экологлар иштирок этган.

Назира ХЎЖАЕВА, ЎзА мухбири

СОВРИНГА ДАЪВОГАРЛАР

«Ўзэлектроаппарат» ҳиссадорлик жамиятининг кичик зали театр шинавандалари билан гавжум бўлди. Завод қошида ташкил қилинган театр жамоаси томонидан Ўзбекистон касаба уюшмалари лауреати унвони кўрсатилган ташқари Тошкент театрларининг «Баҳор тароналари» фестивали саҳнага жозиба бағишлади.

Залда йиғилганлар, «Яхши дам—меҳнатга ҳамдам» деганларидек, спектаклни мириқиб томоша қилишди, олган завқлари руҳларига қувват бағишлаганлиги юзкўзларидан сезилиб турди.

Жўра ЮСУПОВ

ҲАММАБОП МАСКАН

Пойтахтимизнинг «Чорсу» меҳмонхонаси ортида бунёд этилган замонавий «ЖАР» спорт мажмуи ёшу кексани фаол ҳаракат қилиш масканларидан бири бўлиб қолади. Бу ерда 11 минг томошабинга мўлжалланган ўйингоҳ, очиқ ва ёпиқ олтита теннис майдончаси, бокс, баскетбол, гимнастика билан шуғулланиш жойлари ҳамда енгил атлетикачилар учун қулай шароитлар яратилган. Спорт мажмуи шаҳарликларнинг соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади. Ўзига хос тадбирда республика Бош вазири ўринбосари Р. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, республика Спорт қўмитаси раиси Б. Махситов иштирок этишди.

Бобомурод РАЙИМОВ

Билиб қўйган яхши

СОЧИНГИЗ КЎП ТЎКИЛСА

Сочингиз кўп тўкилаверса, олдини олинг. Бунинг учун бир ош қошиқда асал, шунча миқдорда алоэ шарбати, бир чой қошиқ саримсоқпиёз шарбатидан тайёрланган аралашмани музлаттичда сақланг. Ишлатишдан аввал бир ошқошиқ аралашмага битта тухум сариғи қўшиб аралаштиринг ва буни бош терисига уқалаб сингдиринг. Сўнг бошингизни рўмол билан танғиб, устидан сувқоғоз билан ўраб қўйинг. Ярим соатча муддат ўтгач, сочмой кўпигида ювиб ташлайсиз. Тадбиркор бувиларимиз ўргатишганидек, гуруч ювилган сув ёки номакоб ҳам соч тўкилмаслигининг олдини олади.

ТОВОН НЕГА ЁРИЛАДИ?

Товон териси қуруқшаб кетганда, тор пойабзал кийганда, «А» витамини камайганда товон ёрилиши мумкин. Бундай пайтда 5-6 литр иссиқ сувда бир ош қошиқ кир содасини эритиб, ванна қилинади, сўнгра оёқни қуруқ қилиб артилади. Ётишдан олдин 2-10 процентли салицил кислотасининг малҳами билан компресс қилинади. Тоза бинтнинг бир парчасига малҳамдан суртиб, товонга ёпиштирилади. Устидан ёғли қоғоз, сўнг пахта ўраб эрталабгача боғлаб қўйилади.

Тўпловчи Маъсуда ЁҚУБОВА

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги «Зивер» масъулияти чекланган жамияти
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида 76-32-74 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг жамоаси академия тингловчиси Бахтиёр Омоновга отаси
АҲТАМ отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мамлакатимиздаги энг йирик, аъло сифатли қаттиқ ёқилғи ишлаб чиқарувчи
«КЎМИР» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ
Ангрендаги каолин — кўмир конидан кўмирни қазиб олиш жараёнида дастлабки каолинни қайта ишлаб майдаланган каолин ва кварц қумларини ишлаб чиқаради
ИККИЛАМЧИ МАЙДАЛАНГАН, БОЙИТИЛМАГАН

КАОЛИН
«Кўмир» акционерлик жамияти амалда чекланмаган миқдордаги каолин хом ашёси заҳираларига эга бўлиб, улар республикадаги ягона Ангрен каолин-кўмир конларидан қидириб топилган. Йил давомида «Ангрен» конидан кўмир қазиб олиш вақтида 5 миллион тонна каолин ажратиб олинади. Бугунги кунга келиб бу маҳсулот кўп мақсадларда ишлатишга мўлжалланган минерал хом ашё ҳисобланади. Ангрен каолинлари ҳозирда ўнга яқин соҳаларда ишлатишда муҳим хом ашё ҳисобланади. Айниқса, минерал таркибининг физик-кимёвий хусусиятлари бойитилмаган ҳолда ҳам ишлаб чиқариб ишлатишга имкон беради.

КВАРЦ ҚУМЛАРИ
0, 04-2,5мм ҳажмдаги дона-дона бўлган бу хом ашё бино ва иншоотларнинг турли устки элементи сифатида ташқи ва ички томонларини таъмирлашда ишлатиш мумкин. У шунингдек, қурилиш керамикаси, цемент ва асфальтбетон тайёрлаш учун ҳам яроқлидир.
«Кўмир» акционерлик жамияти майдаланган каолин ва кварц кумларини Ўзбекистон Республикасидаги барча корхоналарига ҳамда хориж мамлакатларига келишилган шартнома асосида
СОТАДИ.

Мижозлар иккиламчи каолин ва кварц қумларини турли тармоқлар ишлаб чиқаришида ишлатишнинг мақсадлари хусусида тўлиқ маълумотларни олишни хоҳласалар, қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин:
Ўзбекистон республикаси, Тошкент шаҳри, 700011, Марказ-14, 27-уй.
Телефонлар: (3712) 144-55-79, 144-57-05, факс: (3712) 41-85-56, 144-20-80.
«Кўмир» акционерлик жамияти юртимиздаги ҳамма қизиқувчи корхона, фирма раҳбарларини ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишга
ТАКЛИФ ЭТАДИ.